

“ЎЗБЕК МАТНШУНОСЛИГИНИНГ РИВОЖИ, ЮТУҚЛАРИ ҲАМДА КАМЧИЛИКЛАРИ”

Дехқанов Фарходжон Хурсан ўғли

Тошкент давлат шарқшунослик университети тьютори

Аннотация Мақоламизда ўзбек матншунослигини тараққий топиши, ривожланиши, ютуқлари, камчиликлари, матншунос олимларнинг илмий мероси бўйича маълумот берилади. Шунингдек, бугунги кунда матншунос кўпроқ нималарга эътибор беришлиги зарур, матншунос олимларимизнинг илмий меросини ёшларимизга етказиш, чуқур ўрганишлик бўйича маълумотларни улашишга ҳаракат қиламиз.

Калит сўзлар: *матн, тошбосма, қўлёзма, матншунослик, манбаа, илмий матн, тарихий матн, манбашунослик*

Бугунги кунда матншунослик, айниқса, Ўзбекистон учун долзарб аҳамиятга эга. Чунки ўлкамиз тарихи ва маданиятига оид юзлаб бебаҳо асарлар ҳали нашр этилмасдан қўлёзма ҳолида сақланмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида матншунослик етакчи илмий йўналишларидан бирига айланди. Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган қимматли асарларнинг илмий-танқидий матнларини нашрга тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Сир эмас, бир неча нусхада етиб келган асар қўлёзмалари орасида анча-мунча тафовутлар бўлиши табиийдир. Асарнинг турли нусхалари муқоваси қилиниб яратилган илмий матнигина таржима ва тадқиқотлар учун анча ишончли бўлади. Қолаверса, турли мавзуда изланишлар олиб бораётган мутахассислар таржима эмас, балки асл матнга таянишса, уларнинг тадқиқотлари кўпроқ тош босадиган бўлади. Асл матнда муҳим атама ва унвонлар асар ёзилган даврда қандай ишлатилган бўлса, шундай ёзилади. Таржимада улар ўзгаришга учраши ва бошқа баъзи камчиликларга йўл қўйилиши мумкин.

Янги методикага асосланган ўзбек матншунослиги XIX-XX асрлардан бошлаб тараққий эта бошлади. XX аср бошларида Туркистонда матнни танқидий ўрганишга эътибор кучайиб борди. Турли матбаа ёки кутубхоналарни ташкил қилиш маълум маънода ўзбек матншунослигининг янгича йўналишда ривожланишига сабаб бўлди. Матншунослигимиз XIX аср охири-XX аср бошидаги тошбосма нусха тайёрлаш жараёнида олиб борилган амалий ишлар ўзбек матншунослиги ривож тарихида муҳим ўринни эгаллайди. А. Ҳабибуллаев босма нашрлар пайдо бўлиши ҳақида сўз

юритар экан, шуларни қайд этади: “Бу нашрлар учун нусхалар танлаб олиниб, уларни нашрга тайёрлаш чоғида олиб борилган ишлар – матншунослик изланишлари ўша давр замонасининг талабларига яраша бўлиб келган ва XX аср замонавий матншунослик илми талабларига ўсиб ўтишда бир босқич вазифасини бажарган. Босма нашр учун нусхаларни танлаш, уларни саралаш ва ниҳоят босма нашрни юзага келтириш ишлари такомиллаша бориб, ҳозирги замон матншунослигининг юзага келишига замин таёрлади”¹¹³.

Ўзбек матншунослиги шу пайтгача шубҳасиз салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Бу ютуқлар айниқса улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларини ўрганишда яққол қўзга ташланади. Порсо Шамсиев, Ғулом Каримов, Ҳамид Сулаймон, Азиз Қаюмов, Суйма Ғаниева сингари устоз олимларнинг бу борадаги фаолияти таҳсинга лойиқ. “Хамса”, “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис” каби беназир асарларнинг илмий-танқидий матни яратилгани навоийшуносликни янги босқичга юксалтиргани бугун ҳеч кимга сир эмас. Матншуносликда эришилган бу ютуқлар кейинги даврда Бобур, Огаҳий, Фурқат ва бошқа мумтоз шоирлар, ижодкорлар мероси мисолида давом еттирилаётгани қувонарли ҳол. Мен бунга иккита мисол келтириш билан чекланаман. Биринчиси, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг дунёда ягона қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургда сақланаётган “Шоҳид ул-иқбол” асарининг матншунослик аспектида тадқиқ қилинган асар матнининг илмий изоҳлар кўрсаткичлар билан нашр этилгани бу соҳада сўнгги йилларда қўлга киритилган салмоқли ютуқлардандир. Иккинчиси, Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро” ҳамда “Нусхайи зебони Жаҳогир” асарлари тадқиқи асосида яратилган монография. Салоҳиятли олимлар Нафас Шодмонов ва Исмоил Бекжоновнинг бу ишлари фақат муайян асарларнинг теран ўрганилган билангина эмас, матншуносликнинг бир-қанча назарий-методологик масалалари ҳал этилгани билан аҳамиятлидир. Бу тадқиқотларда чгона нусхали матн устида ишлаш принциплари, матн тарихи, тазкиранависликнинг хос хусусиятлари сингари муаммоларнинг назарий асосда ишлангани фикримизни тасдиқлайди.

Матншуносликнинг халқаро обрўси билан боғлиқ яна бир жиҳат борки, бизнинг тарихимиз ва маданиятимизга оид асарларнинг илмий-танқидий матнлари Араб мамлакатлари (мовароуннаҳрлик уламолар китоблари), Эрон (форс тилидаги бир қанча тарихий ва адабий манбалар), Америка (Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарининг Юрий Брегел тарафидан тайёрланган илмий-танқидий матни), Япония (Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ут-таворих” асарининг Яёи Кавахара, “Бобурнома”нинг Эйжи Мано тарафидан нашр этилган илмий-танқидий матнлари) ва

¹¹³ Ҳабибуллаев. А Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 153.

бошқа мамлакатлар олимлари томонидан нашр этилаётганида ўзбек манбашунос-матншунослари бу ишда наинки иштирок этиш, балки фаол киришиб, бу соҳада етакчиликни ўз қўлларига олишга бурчлидирлар.

Ўзбек матншунослиги шу пайтгача шубҳасиз салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Бу ютуқлар айниқса, улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларини ўрганишда яққолроқ кўзга ташланади. Порсо Шамсиев, Гулом Каримов, Ҳамид Сулаймон, Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева Сунгари устоз олимларнинг бу борадаги фаолияти таҳсинга лойиқ. “Ҳамса”, “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун нафоис” каби беназир асарларнинг илмий-танқидий матни яратилгани навоийшуносликни янги босқичга юксалтиргани бугун ҳеч кимга сир эмас. Матншуносликда эришилган бу ютуқлар кейинг даврда Бобур, Огаҳий, Фурқат ва бошқа мумтоз шоирлар, ижодкорлар мероси мисолида давом этирилаётгани қувонарли ҳол. Бунга иккита мисло келтиришимиз мумкин. Биринчиси, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг дунёда ягона қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургда сақланаётган “Шоҳид ул-иқбол” асарининг матншунослик аспектида тадқиқ қилингани, асар матнининг илмий изоҳлар, кўрсаткичлари билан нашр этилгани бу соҳада сўнгги йилларда қўлга киритилган салмоқли ютуқлардандир. Иккинчиси, Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро” ҳамда “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” асарлари тадқиқи асосида яратилган монография.

“Тахминан, чорак аср илгари қадимий ёзма ёдгорликларга муносабат мавзуида ўтказилган анжуманлардан бирида марҳум устозимиз, луғатшунос олим Ботирбек Ҳасанов фондларга йиғилган қадимий китоблар бўйича қилинаётган дастлабки илмий тавсиф ишлари ниҳояланмагани, яъни китоб сифатида фондга келиб тушгани рўйхатга олингану, аммо асрнинг номи, муаллифи аниқланмаган, умуман, қандайлиги номаълум манбалар талайгина экани ҳақида хабар берган эди. Кейинчалик бу иш қасидир даражада тугалланиб, Қўлёзмалар институтининг икки жилдли каталоги рус тилида нашрдан чиқди”¹¹⁴.

Туркий тилдаги асарларни кирил ёки латин алифбосига табдил қилишдан олдин ҳам уларнинг муаллиф томонидан илк бор яратилган ёзувдаги илмий-танқидий матнларини ҳозирлаш катта аҳамиятга эга. Қуйида биз Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида илмий-танқидий матнлари тайёрлангач, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда чоп этилиб, Марказий Осиё тарихи ва маданияти билан шуғулланувчи жаҳондаги кўплаб илмий марказлар мутахассислари томонидан илиқ кутиб олинган бир неча мўтабар манбалар нашрига тўхталиб ўтамиз. Бу, албатта, матншунослигимизнинг асосий ютуқларидандир.

¹¹⁴ Саъдий М., Отабоев А. Матншунослик давр талаблари даражасидами? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. – № 27. – Б. 3.

Маълумки, “Насойим ул-муҳаббат мин шамойимил футувват” (“Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севикли шабадалар”) Алишер Навоийнинг насрдаги энг йирик асаридир. Ундан 770 дан ортиқ тасаввуф шайхлари ҳақида маълумотлар ўрин олган бўлиб, муаллифнинг диний-фалсафий қарашлари ҳамда Навоийгача бунчалик кенг кўламда тасвирланмаган турк машойихлари фаолиятига оид беҳад қимматли манбадир. Шунингдек, Навоийнинг отасига оид баъзи биографик қайдлар ҳам асарнинг қимматини янада оширади. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Ҳамидхон Исомий “Насойим ул-муҳаббат”нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш устида узок йиллар изланишлар олиб борди. Домла “Насойим”нинг Туркия, Россия, Франция ва Ўзбекистондаги энг қадимги, баъзилари Алишер Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган мўтабар нусхалар асосидаги матнини тиклаб, нусхалар орасидаги муҳим тафовутларни сатрости изоҳларида қайд этди. Матн учун зарур кўрсаткичлар ҳам тузилганки, бу тадқиқотчи ва ўқувчиларга асардан ўзлари излаётган маълумотларни тезда топиб олиш имконини яратади.

“Насойим ул-муҳаббат”нинг шу пайтгача Туркия ва Ўзбекистонда амалга оширилган нашрлари пухта илмий-танқидий матнга асосланмагани учун кўплаб хатоларга йўл қўйилган эди. Мисол келтирадиган бўлсак, “2001 йилда “Фан” нашриётида Алишер Навоий “Мукаммал асарлар тўплами”нинг 17-жилди сифатида “Насойим ул-муҳаббат” асари нашрдан чиқди. Буюк адибнинг энг йирик насрий асари Ўзбекистонда илк бор тўлиқ ҳолида нашр этилиши қувончли ҳодиса, албатта. Бироқ бу нашрдаги матний хатолар оддий ўқувчи тугул, мутахассислар учун ҳам қатор жумбоқлар пайдо қилади. Боз устига, Навоий матнидаги юзлаб сўз ва жумлалар ё атайин, ё эътиборсизлик натижасида тушириб қолдирилган. Баъзи сўзларнинг тўғриси ва нашрдаги хато шакллари куйида келтирамиз: “барҳабарлар” – “беҳабарлар”, “ул китобдағи” – “ул китобда дағи”, “сироти мустақим” – “сийрати мустақим”, “анинг манъин” – “ани мутаайин”, “анга ром” – “ором”, “комларим” – “ғамларим”, “суваб” – “савоб”, “мувофақатингиздин” – “муваффақиятингиздин”, “тахаллуф” – “такаллуф”, “махшур” (қўшилган маъносида) – “машхур”, “ифлос” – “ихлос”, “адаб” – “абдад”, “афзун” – “афсун” ва ҳоказо. Улар китобхонга матн маъносини қийинлаштириб, баъзан мутлақо тушунарсиз қилиб қўяди. Масалан: “Ул ит бошин ул ҳарфқа солиб, ул сутдин ичти” жумласидан сўнг, “ит бошини қанақа ҳарфга тикди экан?” деб бош қотириш мумкин. Ҳолбуки, бу сўз аслиятда “зарф”, яъни идишдир. Хатолар туфайли баъзи ҳолларда Навоий кўзда тутганига зид

маънолар чиқариш мумкин. Масалан, “тушунарли, аён” маъносидаги “мафҳум” сўзи барча ҳолларда тескари маънодаги “мавҳум” шаклида ёзилган”¹¹⁵.

Афсуски, “Насойим ул-муҳаббат”нинг Алишер Навоий асарларининг сўнгги йилларда чоп этилган ўн жилдлик асарлар тўпламидан ўрин олган нашрлари ҳам хатолардан холи эмас. Институтимизда тайёрланиб чоп этилган илмий-танқидий матн, ниҳоят, бу улуғ асарнинг кирилл ва латин алифболаридаги қониқарли нашрини амалга оширишга ёрдам берса, ажаб эмас.

Қувонарли жиҳати шундаки, истиқлол берган имконият туфайли, айрим тадқиқотлар ва илмий танқидий матнлар чет эл олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Табиийки, бу ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ўзбек олимларининг илмий ютуқлари хорижий мамлакатларда ҳам кенгроқ танилиши ва эътироф этилиши учун катта имкониятлар яратади.

Шундай ҳамкорлик ишлари натижаларидан бири Садриддин Айнийнинг (1878–1954) ўзбек тилида ёзилган “Бухоро инқилоби тарихи” асари илмий-танқидий матнининг Японияда нашр этилиши бўлиб, у ЎзР Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими Шарифа Тошева ва Токио университети тадқиқотчиси Шизуо Шимада тарафидан амалга оширилган.

Айний томонидан яратилган илк йирик тарихий асар – “Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро” (“Бухорода фикрий инқилоб тарихи”) 1918 йилда тожик тилида ёзилган. Кейинчалик Айний бу асарнинг ўзбек тилидаги қайта ишланган вариантини яратиб, янги боблар қўшиб, унга “Бухоро инқилобининг тарихи” деган ном берди. Асарнинг номидан у 1920 йил кузида амирликнинг ағдариб ташланишига бағишланган, деб тушунмаслик керак. Айний инқилоб деганда асосан Бухоронинг илғор кишилари онгидаги ўзгаришлар, уларнинг ислохотлар воситасида ўз юртларини тараққий қилдиришга интилганликларини кўзда тутди.

“Бевосита асарнинг Тошкентда сақланадиган қўлёзмаларидан фойдаланиш имконияти биров чекланганлиги боис, тадқиқотчилар кўпинча унинг нуқсонли Москва ва Тошкент нашрларига мурожаат қилишга мажбур эдилар. Масалан, америкалик тадқиқотчи Эдвард Олворс асарнинг Тошкент нашрида тушириб қолдирилган “Жадид ёки Ёш бухоролилар фирқасининг тузилиши ва ёзилмаган программа” бобини Москва нашри асосида инглизчага ағдарган. Аслида Москва нашрида бу бобдан ҳам бир неча сатр қисқартирилган”¹¹⁶.

Хулоса шуки, ҳозиргача асосан қўлёзма ҳолида сақланиб келаётган ноёб асарларнинг илмий-танқидий матнлари ҳозирланиб чоп қилиниши Ўзбекистон тарихи

¹¹⁵ Каримова С. Матншунослик ютуқлари // Ёшлик журнали. – Т., 2013. – № 7. – Б. 7-9.

¹¹⁶ Каримова С. Матншунослик ютуқлари // Ёшлик журнали. – Т., 2013. – № 7. – Б. 9-10.

ва маданияти янада чуқурроқ тадқиқ қилинишига йўл очиб, мавжуд тадқиқотлардаги оқ доғларнинг тобора камайтирилишига имкон яратади.

Бугун матншунос олим эски ўзбек ёзувини мукаммал ўқий олишдан ташқари араб, форс, эски туркий тилларни яхши тушиниши, ислом дини қоидаларини яхши билиши, ўтмиш илмларидан хабардор бўлиш билан бир қаторда замонавий фанларни ҳам чуқур ўзлаштириши талаб қилинади.

Юз минглаб китоблар орасидан керакли китобни топиб олиш учун биринчи галда қўлёзмаларнинг тавсиф варақа (карточка)лари зарур, агар бундай тавсиф варақлари бўлмаса, керакли қўлёзмаларни қидириб топиш қанчалик машаққатли иш экани ўз-ўзидан маълум.

Матншунослик соҳасида баъзан юксак билим, ақл, илмий назария ҳам иш бермаслиги, чигал муаммони ҳал этишда тажрибали матншуноснинг биргина назари, интуицияси асқотиши мумкин. Аслида матннинг пирига айланган матншунос қўлёзмани кўрмасдан ҳам сўзни аслидагидек ислоҳ этиш салоҳиятига эга бўлади.

Матншунослик соҳасида ҳам анчагина нуқсонларимиз бор. Агар иш шу йўсинда давом этса бирор 20 йилдан кейин мутлақо чаласавод бўлиб қоламиз. Менимча, шеърятга ҳавасни ибтидоий мактабдан бошлаш керак. Эски мактабда ҳатто алифбо ҳам шеър билан ёдланар эди. Шуларни ҳисобга олиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида матншунослик етакчи илмий йўналишларидан бирига айланди. Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган қимматли асарларнинг илмий-танқидий матнларини нашрга тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Сир эмас, бир неча нусхада етиб келган асар қўлёзмалари орасида анча-мунча тафовутлар бўлиши табиийдир. Асарнинг турли нусхалари муқояса қилиниб яратилган илмий матнигина таржима ва тадқиқотлар учун анча ишончли бўлади. Қолаверса, турли мавзуда изланишлар олиб бораётган мутахассислар таржима эмас, балки асл матнга таянишса, уларнинг тадқиқотлари кўпроқ тош босадиган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳабибуллаев. А Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 153.
2. Саъдий М., Отабоев А. Матншунослик давр талаблари даражасидами? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. – № 27. – Б. 3.
3. Каримова С. Матншунослик ютуқлари // Ёшлик журналы. – Т., 2013. – № 7. – Б. 7-9.

4. Каримова С. Матншунослик ютуқлари // Ёшлик журнали. – Т., 2013. – № 7. – Б. 9-10.
5. Мирзораҳимов А. Ш. Ўрта Осиёда тошбосма китоб тарихи (XIX аср охири-XX аср бошлари): Фил. фан. номз. ... дисс. – Т., 2009. – Б. 60-61.
6. Умарова С. Тошбосма нашрлар ва матншунослик ривожини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2016. – № 2. – Б. 121.